

**ОИЛА ТОТУВЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Турабоева Феруза Күшмат қызы**  
*Ижтимоий иши йұналиши талабаси*  
*Фарғона давлат университети*

**Аннотация:** Мақолада оила тотувлигининг эң мухим томони бўлган фарзандлар тарбияси, ва бу борадаги зарур омил оиласидаги соглом психологик мухит, миллий ва маънавий қадриятлар, хаётимиз ўзаги бўлган оила мустахкамлигиниг психологик хусусиятлари хақида сўз юритилган Шунингдек, инсоннинг баҳтили ва узоқ умр кўришининг айрим психологик омиллари хам келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** мустахкам оила, ижобий психологик мухит, соглом турмуши тарзи, анъана ва қадриятлар, баркамол авлод, мустахкам қўргон.

Оила – бу хаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак насллар учун бетакрор тарбия масканидир. Юксак маънавиятли ва камолотга эришган авлодни шакллантириш барчамизнинг умумий муқаддас бурчимиздир. Бунинг учун ўзбек халқи ўтмиш маданиятининг сарчашмаларини чукур ўрганишни тақозо этувчи маънавий меросимизни ёш авлод онгига дастлаб оиласда сингдирилса, ижобий натижалар беради. Чунончи, муқаддас анъана ва қадриятларимиз бугунги янги тарихий шароитларда янги мазмун билан бойиб бормоқда ва у ҳаётий эҳтиёж, мустақил мамлакатимиз равнақининг эң зарур омилларидан бирига айланмоқда.

Хозирги кунда Республикаиз бўйлаб фаолият олиб бораётган “Оила” илмий-амалий марказлари томонидан халқимиз манфаатига қаратилган долзарб масалалар оиласидарни моддий ва маънавий томондан қўллаб –қувватлаш борасида, турмушимизда учраб турадиган бир қанча ижтимоий-психологик муаммолар борасида хам бир қатор таҳсинга лойик ишларнинг олиб борилаётганлиги инсон омилига бўлган юксак эътибордан даракдир. Айни вақтда ушбу марказнинг асосий вазифаси оиласидарни мустахкамлаш, оиласидаги қадриятлар ва аънаналарни ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, оиласидаги баркамол шахсни тарбиялаш хамда келажакда уни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишини таъминлашга қаратилган ғояларга йўғрилганлиги билан таҳсинга сазовордир.

Оила қайси миллат билан боғлиқ бўлса, шу миллатга тегишли бўлган этнопсихологик томонларни ўзида мужассамлаштиради. Оиласидаги тегишли бўлган шу миллат урф-одатларини, удумларини, анъаналарини бажаради ва ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда мана шу миллий томонлардан фойдаланади. Миллий урф-одатлар, анъаналар орқали эса шу миллатга тегишли бўлган этнопсихологик томонлар таркиб топади ва ривожлантирилади. Бундан кўриниб турибдики бугунги кунда

фарзандларимизни оила билан ҳам ҳамкорликда миллий қадриятлар, аньана ҳамда урф – одатлар асосида тарбиялаш, аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган бой маънавий меъросни авайлаб – асраб уни замонавий фан ютуқлар билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунё қараши миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг бунёдкорлик фаоллигини ошириш – масаласи биз педагогларга катта маъсулият юклайди. Ўз навбатида ота – оналаримиз ҳам фарзанд тарбиялаш, унинг баркамол шахс этиб вояга етказишида миллий қадриятларимиз ва аньаналаримизни ўzlари ҳам англаб етишлари лозим. Демак, инсон фарзанди ўз тажрибасини, оилада яшаш, отага, онага, акага, укага, опага, сингтилга қандай муомалада бўлишни бу масканда ўрганади ва шаклланиб боради.

Охирги йилларда никоҳ ва оила бир нечта фанларнинг маҳсус тадқиқотлар предметига шу жумладан, психологиянинг ҳам тадқиқот предметига айлана бошлади. Оила психологиясини билиш, оила учун масъулиятли бўлган шахслар учун зарурдир. Оила тарбиясинг ўзига ҳослиги шундаки, у болаларга, ота-оналиқ, қон-у қариндошлиқ сингари кўплаб асосий ҳислатларни ўргатиб, тарбияланаётган шахснинг кўплаб инсонийликка ҳос сифатларни, ривожлантириб туриш, ахлоқий камолатини ҳам ривожлантиради. Шу сабабли оила тарбиясида доимо мавжуд ва серқирралиги билан ажralиб турилади. Оилада ота-оналар муносабатлари болалар учун ҳаёт мактаби ҳисобланади. Ота-она маънавиятга бой, эътиборли ва юқори маълумотга эга бўлсалар, шу даражада такомиллашган услугуб орқали ўз фарзандларини тарбиялади.

Оилавий тарбиянинг туб мақсади, наъмуна болаларни умумсоний хулқ мезонларига риоя қилган, уларнинг бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлашдан иборатдир. Отa-оналарни тарбиясига оид педагогик билимлар билан қуроллантирмасдан туриб оилада тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш бироз мушкул масаладир.

Шу билан бир қаторда соғлом турмуш тарзи ҳам оилалар тутувлигинг энг муҳим омилларидан бири десак муболаға бўлмайди. Бунинг маъноси шундаки, саломатлик, энг аввало, мавжуд муҳитга, одамларни бир-бирларига меҳрли, мурувватли бўлишлари ғамхўрликка ва самимиятига тўлиқ муносабатларига боғлиқ. Шу маънода саломатлик психологик категория бўлиб, унинг шарти ва шароити – соғлом оила муҳитидир. Оилада ота-онага кўп нарса боғлиқ. Улар оиладаги барча ҳодисаларнинг балогардонлари сифатида энг аввало ўз соғлиқларига ўzlари масъул эканликларини унутмасалар, уни сақлашда барча эҳтиёж чораларини ўз вақтида кўргани ҳолда оилавий ҳаётга тўғри муносабатни шакллантира олсалар, барча мақсадларига албатта эришадилар. Соғлом одам, у отами, ёки онами, турмуш ва рўзгордаги барча паст-баланликлар, турли вазиятлар, керак бўлса, қийинчиликларга тез мослашиб, улардан оқилона чиқиши йўлларини билиши керак. Ана шундай ҳаётий фалсафа ва йўналиш билан яшаган инсон албатта, баҳтли ва мўжаз оила сохиби бўлади. Муҳими, бундай ҳаётий мўлжаллар, жисмоний ва руҳий тетиклик, бардамлик у тарбиялаётган болаларнинг баҳти ва келажакка интилишига ишончли замин бўлади. Ана шундай

ота-она тарбиялаган фарзандларга ортиқча ўгитлар, тарбиявий тазииклар даркор эмаслигини таъкидлаш керак. Чунки инсон ақлини, унинг тафаккурини пешлайдиган, танини соғ, вужудини гўзал қиласидан маънавий озуқани оиласида олган фарзанднинг ўз бахти ва камоли йўлидан оғиб кетишига ишониш қийин. Ҳам жисмонан, ҳам маънан ва руҳан соғлом одам турли ғаламисларнинг кирдикорларига учмай ўз юрти, Ватани ва халқи манфаати йўлида ҳалол меҳнат қиласидан.

Келтирилган фикрлардан хulosса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, хаётимиз ўзаги бўлмиш ушбу муқаддас масканни мустахкам қилувчи энг мухим омил-оиладаги тотувликдир. Бу тотувликнинг асоси эса ўзига хос мухим бўлган психологик жихатлардан иборат бўлиб у қуидагича омилларга бўлинади:

- Ҳар бир кишининг teng ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиниши;
- Ўзаро ишонч, самимийлик, очиқкўнгиллик;
- Оиланинг ички мулоқотидаги компетентлик;
- Оила аъзолари ўртасида бир-бирини қўллаб-куватлаш;
- Ҳар бир аъзонинг ўз оиласи олдидаги масъулиятни ҳис қилиш;
- Оила аъзолари жам бўлганда қувонч ва хотиржамликни ҳис қилиш;
- Оилавий анъана ва урф-одатларни қадрлаш ва уларга риоя қилиш;
- Ҳар бир аъзога хос хусусиятларни тўғри қабул қилиш ва тушуниш;
- Оила аъзоларнинг шахсий ҳаёти ва қизиқишилари мавжудлигини эътироф этиш;
- Ҳар бир оила аъзосининг хиссий кечинмаларини хурмат қилиш.

Психологик тадқиқотларда айтилишича агар узоқ ва мазмунли умр кўришни истасангиз оилангизда кўнгилдагидек ижобий психологик мухит бўлиши лозим. Ҳаётдаги кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, инсоннинг узоқ умр кўриши учун ҳозирги кунда айрим психологик омиллар ва оила мухитининг таъсири кучлироқ экан. Шунингдек, кишининг бирор ўзига ёқадиган машқ ёки фаолият тури билан банд эмаслиги, оиладаги мулокот ва муносабатлардаги бефарқлик, ёки жаҳлдорлик каби ҳолатлар киши умрига салбий таъсир этади.

Хulosса қилиб айтганда, ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди . Юқорида таъкидланган оила тотувлигининг энг мухим омили булган фарзандлар тарбиясининг ўзига хос психологик хусусиятларига эътибор қаратиш ва фарзандга берилаётган оила тарбиясида ғамхўрлик ҳамда талабчанликнинг муносиб равища бўлиши фидойи, оила ва жамият олдидаги масъулиятини ҳис этадиган шахснинг камол топишига эришиш энг олий мақсаддан дарактир.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ханкелдиева, Г. Ш. (2017). Корхоналар корпоратив бошқарувининг баҳолаш усулларини таҳлил қилиш. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, 5.
2. Ханкелдиева, Г. Ш. (2018). Глобаллашув шароитида электроэнергетика тармоғида стратегик бошқарув усулларидан самарали фойдаланиш. Иқтисодиёт ва таълим, 5, 357-363.
3. Хонкелдиева, Г. Ш. (2018). Развитие промышленных предприятий в Республике Узбекистан. Т.: Иқтисодиёт ва таълим.
4. Ханкелдиева, Г. Ш. (2020). Пути эффективного развития инновационной деятельности производственных предприятий республики узбекистан. In Наука сегодня: теория и практика (pp. 29-32).
5. Хамракулов, И. Б. (2023). ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH, 2(23), 398-402.
6. Хамракулов, И. Б. (2023). ЖАҲОНДА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» НИНГ ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛарНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(4), 2361-2366.
7. Хамракулов, И. Б. (2023). НЕОБХОДИМОСТЬ И ВАЖНОСТЬ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКИ. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 6(4), 1142-1146.
8. Bakhtiyorovich, K. I. (2023). DEVELOPMENT OF MONITORING INSTRUMENTS OF EFFICIENCY OF SMALL INDUSTRIAL ZONES. Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 11(4), 1994-1999.
9. Хамракулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг можияти ва ўзига хос ҳусусиятлари. Scientific progress, 3(1), 328-334.
10. Хамракулов, И. Б. (2021). Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари. Scientific progress, 2(7), 586-592.
11. Хамракулов, И. Б. (2022). КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ИМКОНИЯТЛАРИ. Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS), 2(Special Issue 2), 140-146.
12. Ханельдиев, Ш. Х., & Сайдахматов, А. В. (2021). Инновационные подходы к повышению уровня специальной физической подготовленности юных таэквондистов. Наука сегодня: история и современность [Текст]: материалы, 40.

13. Ханкельдиев, Ш. Х., & Султанова, Н. Я. (2021). Физическое развитие учащихся девушек среднего школьного возраста общеобразовательных школ. In НАУКА СЕГОДНЯ: ЗАДАЧИ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ (pp. 74-75).
14. Зокирова, С. Х., Хамракулов, Ж. Б., & Кадирова, Н. Б. (2020). Полевая влагоемкость, влажность почв и песков Центральный Ферганы. Universum: химия и биология, (5 (71)), 5-9.
15. Zokirova, S. X., Akbarov, R. F., Isagaliyeva, S. M., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Sand Distribution In Central Fergana. The American journal of interdisciplinary innovations and research, 3(01), 113-117.
16. Zokirova, S. X., Ahmedova, D., Akbarov, R. F., & Xonkeldiyeva, K. R. (2021). Light Industry Enterprises In Marketing Activities Experience Of Foreign Countries In The Use Of Cluster Theory. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(01), 36-39.
17. Бахтиёрович, X. Ж. (2022, August). ЭКОЭТИК КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЗАРУРАТИ. In E Conference Zone (pp. 13-16).
18. Хонкелдиева, К., Рахимова, Х., & Хасанхужаева, У. (2021). Предупреждение преступности среди несовершеннолетних. In Наука сегодня: факты, тенденции, прогнозы (pp. 34-35).
19. Xonkeldiyeva, K., & Xo'jamberdiyev, J. (2020). Экономика и социум.
20. Хайдаров, X., Нурматова, И., & Хонкелдиева, К. (2021). Факторы формирования сильного конкурентного рынка в текстильной промышленности. In НАУКА СЕГОДНЯ: ВЫЗОВЫ И РЕШЕНИЯ (pp. 59-61).
21. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. In НАУКА СЕГОДНЯ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ (pp. 49-51).
22. Khamrakulov, I. (2022). Organizational and economic foundations for creating small industrial zones in Uzbekistan. Asian Journal of Multidimensional Research, 11(10), 233-237.